

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.T.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ГАИПОВА ШАХНОЗАХОН САИДАЗИМ ҚИЗИ

**ФУНКЦИОНАЛ ҚЎШИМЧАЛАР БИЛАН БОЙИТИЛГАН ПАРҲЕЗЛИ
МАЙОНЕЗ РЕЦЕПТУРАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.17 – Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, сақлаш ҳамда
қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)****Contens of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)****Гаипова Шахнозахон Саидазим қизи**

Функционал кўшимчалар билан бойитилган парҳезли майонез
рецептурасини ишлаб чиқиш..... 3

Гаипова Шахнозахон Саидазим қизи

Разработка рецептуры диетического майонеза, обогащенного
функциональными добавками..... 21

Gaipova Shakhnozakhon Saizadim Kizi

Development of dietary mayonnaise recipe
enriched with functional additives 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 42

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.03/30.12.2019.T.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ГАИПОВА ШАХНОЗАХОН САИДАЗИМ ҚИЗИ

**ФУНКЦИОНАЛ ҚЎШИМЧАЛАР БИЛАН БОЙИТИЛГАН ПАРҲЕЗЛИ
МАЙОНЕЗ РЕЦЕПТУРАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.17 - Қишлоқ хўжалик ва озиқ овқат маҳсулотларига ишлов бериш, сақлаш ҳамда
қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияда В2020.2.PhD/Т1731 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-саҳифасида (ik-kimyo.nuu.uz) ва «Зиёнет» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдурахимов Ахрор Анварович
техника фанлари доктори (DSc), доцент

Расмий опонентлар:

Исабаев Исмоилжон Бабаджанович
техника фанлари доктори, профессор

Юнусов Обиджон Қодирович
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

“Тошкент ёғ-мой комбинати” АЖ

Диссертация химояси Тошкент кимё-технология институти хузуридаги DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2022 йил «23» 12 соат «11⁰⁹» даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўчаси, 32-уй. Тел.: (99871) 244-79-20, факс: (99871) 244-79-17, е-маил: ткти_инфо@еду.уз).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (134 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўч.32. Тел.: (99871) 244-79-20).

Диссертация автореферати 2022 йил «25» 11 куни тарқатилди.
(2022 йил «25» 11 даги № 298 рақамли реестр баённомаси).



С.М. Туробжонов

Илмий даражалар берувчи Илмий
Кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Х.И. Кадиров

Илмий даражалар берувчи Илмий
Кенгаш котиби, т.ф.д., профессор

Қ.П. Серкаев

Илмий даражалар берувчи Илмий
Кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунё миқёсида тез тайёрланадиган таом ва салатлар таркибига иштаҳа очиш ҳамда таъм бериш учун кўшилувчи, атеросклероз, қандли диабет ва юрак қон-томир касалликларининг профилактикаси ва аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилинаётган «соғлом овқатланиш» дастурига мос паст калорияли майонезлар ишлаб чиқариш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга аҳолини қисқа муддатларда сифатли, озуқавий қиммати юқори, турли хил кимёвий кўшимчалардан ҳоли бўлган тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар билан таъминлаш бўйича олиб борилаётган ислохатлар долзарб аҳамиятга эга.

Дунё миқёсида майонезнинг ёғдорлигини камайтириш, сифатини ошириш, биологик фаол моддалар билан бойитиш ва ассортиментини кенгайтириш бўйича кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, ўсимлик мойлари ёғ ўринбосарларига алмаштирилган, барқарорлиги ва турғунлигини оширувчи табиий стабилизаторлар, биологик фаол қуюлтирувчи моддалар ва пластификаторлар билан бойитилган, парҳезбоп майонез ишлаб чиқаришни жадаллаштириш технологияларини яратиш ва синовдан ўтказишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда ноанъавий ўсимлик мойлари асосида майонезнинг янги рецептларини яратиш ва ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш бўйича муайян илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш салоҳиятини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза, сифат кўрсаткичи юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, эссенциал ёғ кислоталари таркиби хилма-хил, функционал кўшимчалар билан бойитилган ёғли эмульсия маҳсулотларининг рецептларини ишлаб чиқиш, органолептик кўрсаткичлари яхшиланган, паст калорияли майонез ишлаб чиқариш технологияларини макбуллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сонли «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 9 сентябрдаги ПҚ-4821-сонли «Республика озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 23 октябрдаги ПҚ-5853-сонли «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2019 йил 16 январдаги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони

ПҚ-4118-сонли «Ёғ-мой тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ва соҳани бошқаришда бозор механизмларини жорий этиш тўғрисида»ги фармон ва қарорлари ҳамда, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалик, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Ёғли эмульсия маҳсулотлари рецептларини кенгайтириш, майонез ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш бўйича А. Kamal-Eldin, R. Pазhvand, А.М. Khavarpour, М. Namiki, N.M. Nayar, K.L. Mehra, N. Martínez-Aranda, S. Losada, С.В. Díaz, L.Romsted, Б.Н. Тютюнников, А.Л. Маркман, А.Г. Сергеев, А.И. Глушенкова, А.П. Нечаев, Н.С. Арутюнян, Ю.К. Кадиров, С.А. Абдурахимов, И.Б. Исабаев, А.Т. Рўзибоев ва ва бошқалар илмий-тадқиқот ишлари олиб боришган.

Улар томонидан физиологик фаол қўшимчалар билан бойитилган майонез рецептлари яратилган, ноанъанавий ўсимликлар, полиз экинлари уруғлари ва мева данаклари мойларини қўллаб, ёғ кислоталар таркибининг хилма-хиллиги ва эссенциал ёғ кислоталар улуши оширилган озикавий қиммати юқори, витамин ва минераллар сақлаган майонез ишлаб чиқаришнинг такомиллашган технологиялари ишлаб чиқилган.

Шу билан бирга, профилактик хусусиятлари яхшиланган, таркиби ноанъанавий хом ашёлар қўшилиб шаклланган, сифати ва органолептик кўрсаткичлари меъёрларга мос майонез ишлаб чиқариш технологияларини мақбуллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ АМ-ФЗ-201908159 «Маҳаллий хом ашёлар асосида функционал қўшимчалар билан бойитилган парҳезли маргарин олиш технологиясини ишлаб чиқиш» (2020-2022 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади озиқ-овқат саноатининг иккиламчи маҳсулотлари асосида функционал қўшимчалар билан бойитилган парҳезли майонез рецептини ишлаб чиқиш ва технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

маҳаллий ўсимлик мойлари асосида парҳезбоп майонезнинг ёғли фазасини тайёрлаш;

маҳаллий ўсимлик мойлари асосида эссенциал ёғ кислоталари миқдори меъёрлаштирилган профилактик майонез рецептини ишлаб чиқиш;

кунжутли майонез рецептини ишлаб чиқиш, кунжут кунжараси ва унинг биологик фаол моддаларини майонезнинг физик-кимёвий хусусиятларига

таъсирини аниқлаш;

лимон цедраси билан бойитилган майонез рецептини ишлаб чиқиш ва олинган майонезнинг физик-кимёвий хусусиятларини тадқиқ қилиш;

кунжут кунжараси ва лимон цедраси кукунлари қўшиб майонез тайёрлаш жараёнининг оптимал шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда уларнинг сақлаш муддатига ва сифат кўрсаткичларига таъсирини баҳолаш;

функционал қўшимчалар билан бойитилган парҳезбоп майонез рецептини ишлаб чиқиш ва иқтисодий самарадорликни аниқлаш.

Тадқиқотнинг объектлари сифатида соя, кунгабоқар, маккажўхори мойлари, кунжут уруғи, кунжут кунжараси, лимон, лимон цедраси, фосфатид концентрати, эмульгатор ва майонез эмульсиясини тайёрлаш курилмалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети кунжут кунжараси ва лимон цедраси қўшилган парҳезли майонез олишнинг технологик жараёнлари ва уларнинг кечиш қонуниятларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида хом ашё ва тайёр маҳсулот хоссаларини аниқлашнинг умумқабул қилинган ва махсус органолептик, физик-кимёвий, микробиологик ва биокимёвий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

соя, маккажўхори, ўрик ва қовоқ мойлари асосида парҳезбоп майонезларнинг ёғли фазалари тайёрлаш қонуниятлари аниқланган;

маҳаллий соя, маккажўхори ва кунгабоқар мойлари асосида омега-6 ва омега-3 нисбати 10:1 дан кам бўлмаган мойлар аралашмасини олиш мумкинлиги исботланган;

асосини кунжут кунжараси ташкил этган майонез рецепти ишлаб чиқилган, кунжутнинг биологик фаол моддаларини майонезнинг физик-кимёвий хусусиятларига таъсир этиш қонуниятлари аниқланган;

лимон цедраси билан бойитилган майонез рецепти ишлаб чиқилган, бунда рецептурага 2% гача лимон цедраси қўшилганда физик-кимёвий хусусиятлари яхшиланган лимонли майонез олиш мумкинлиги асосланган;

кунжут кунжараси ва лимон цедраси кукунлари қўшиб майонез тайёрлаш жараёнининг оптимал шарт-шароитлари аниқланган;

кунжут кунжараси ва лимон цедраси кукунларининг майонезнинг сақлаш муддатига ва сифат кўрсаткичларига ижобий таъсир этиши асосланган;

кунжут кунжараси ва лимон цедраси кукунлари қўшилиб, функционал қўшимчалар билан бойитилган паст калорияли парҳезли майонез олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

маҳаллий мойли хом ашёлар асосида юқори сифатли парҳезбоп майонез рецепти ишлаб чиқилган;

кунжут кунжарасидан фойдаланиб, табиий антиоксидантлар билан бойитилган майонез олиш технологияси ишлаб чиқилган;

лимон цедраси кукунидан фойдаланиб, профилактик мақсадларга мўлжалланган лимон таъмли майонез рецепти шакллантирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги тадқиқот ишида лимон цедраси ва кунжут кунжарасидан олинган кукунларни қўшиб таёрланган майонезларнинг физик-кимёвий таҳлили юқори самарали суяқлик ва газ хроматографлари ҳамда бошқа физик-кимёвий таҳлилнинг замонавий усуллари қўллаган ҳолда, лаборатория ва тажрибавий-ишлаб чиқариш шароитларида апробациясидан ўтказиш натижаларига кўра назарий ва тажриба маълумотларининг мос келиши билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти майонез рецептидаги антиоксидант, крахмал ва ароматизаторлар ўрнига кунжут кунжараси ва лимон цедраси кукунларини киритиш орқали, таркибида биологик фаол моддалар миқдори оширилган майонез олиш технологияларини мақбуллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кунжут кунжараси ва лимон цедраси хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда олинган кукунларни қўллаб, эссенциал ёғ кислоталар улуши оширилган озикавий қиммати юқори, паст калорияли парҳезбоб майонезлар олиш технологиясини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Майонез рецептини биологик фаол моддалар билан бойитиш, сифатини ошириш ва озикавий хавфсизлигини таъминлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

куюлтиривчи восита сифатида 10 % гача кунжут кунжараси кукунни киритилган майонез рецептураси «ТОР ОИЛ» МЧЖда ишлаб чиқариш амалиётга жорий қилинган («Ўзёғмойсаноати» уюшмасининг 2022 йил 24 августдаги ОЗ/3-704 сон маълумотномаси). Натижада, органолептик ва физик-кимёвий кўрсаткичлари яхшиланган, профилактик хусусиятли майонез ишлаб чиқариш имконини берган;

эссенциал ёғ кислоталарига бой соя ва маккажўхори ўсимлик мойларини киритиш орқали омега-6 ва омега-3 кислоталари нисбати мувозанатланган майонез рецептураси «ТОР ОИЛ» МЧЖда ишлаб чиқариш амалиётга жорий қилинган («Ўзёғмойсаноати» уюшмасининг 2022 йил 24 августдаги ОЗ/3-704-сон маълумотномаси). Натижада, функционал қўшимчалар билан бойитилган шифобахш хусусиятли майонез ишлаб чиқариш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси ва материаллари бўйича 14 та илмий иш нашр этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш учун тавсия қилинган илмий нашрларда 6 та, жумладан, 5 та хорижий журналларда мақолалар чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта бўлим, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ишининг ҳажми 119 бетдан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Майонез ишлаб чиқариш технологиясининг бугунги ҳолати ва истиқболлари**» деб номланган биринчи бобида майонез ишлаб чиқариш технологияси ҳақида умумий тушунчалар, парҳезли майонезлар олишда қўлланиладиган ёғли хом ашёлар ва майонез ишлаб чиқаришда қўлланиладиган функционал қўшимчалар ҳақида маълумотлар келтирилган. Адабиётларни таҳлили натижасида диссертациянинг мақсад ва вазифалари аниқланган.

Диссертациянинг «**Майонез пастасини тайёрлаш техникаси, тайёр майонез ва хом ашёларни таҳлил қилиш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида хом ашёларнинг таркиби ва физик-кимёвий кўрсаткичлари, майонез пастасини тайёрлаш учун лаборатория қурилмасини ишлаш тартиби ва майонез пастасини тайёрлашда қўлланиладиган хом ашёларни таҳлил қилиш усуллари ҳамда олинган маълумотларни статистик қайта ишлаш ва хатоликларни баҳолаш усуллари келтирилган.

Диссертациянинг «**Функционал қўшимчалар билан бойитилган парҳезли майонез рецептини ишлаб чиқиш**» деб номланган учинчи бобида маҳаллий ўсимлик мойлари асосида парҳезли майонезнинг ёғли фазасини тайёрлаш, маҳаллий ўсимлик мойлари асосида эссенциал ёғ кислоталари миқдори меъёрлаштирилган майонез рецептини ишлаб чиқиш, кунжутли майонез рецептини ишлаб чиқиш, кунжут кунжараси ва унинг биологик фаол моддаларини майонезнинг физик-кимёвий хусусиятларига таъсирини ўрганиш, лимон цедраси билан бойитилган майонез рецептини ишлаб чиқиш ва олинган майонезнинг физик-кимёвий хусусиятларини тадқиқ қилиш, кунжут кунжараси ва лимон цедраси кукунлари қўшиб майонез тайёрлаш жараёнининг оптимал шароитларини аниқлаш, уларнинг сақлаш муддати ва сифат кўрсаткичларига таъсирини баҳолаш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

Дастлаб, майонезнинг ёғли фазасини эссенциал ёғ кислоталари билан бойитишга оид тадқиқотлар ўтказилди. Бунинг учун функционал мойлар ҳисобланган қовоқ, ўрик, кунжут, маккажўхори мойлари ва кенг қўлланиладиган соя, кунгабоқар мойлари танлаб олинган ҳамда уларнинг ёғ кислота таркиби аниқланган (1-жадвал).

1-жадвалдан кўринадикки, мойлардаги тўйинмаган ёғ кислоталарининг миқдори 85,34 дан 89,3% гача ташкил этган. Олеин кислотаси маккажўхори мойида (25,71%) ва линол кислотаси кунгабоқар мойида (67,85%) энг кўп эканлиги аниқланган. Линолен кислотаси соя мойида (7,95%) энг кўп бўлиб, бошқа мойларда 0,2% дан ошмаган. ω -6 : ω -3 нисбатига эътибор берилса, унинг қиймати соя мойида энг катта (6,88) қийматларга тенг бўлди.

1-жадвал

Тажрибаларда қўлланилган мойларнинг ёғ кислота таркиби

Мойнинг номи	Ёғ кислоталари %						
	C _{16:0} + C _{16:1}	C _{18:0}	C _{18:1}	C _{18:2}	C _{18:3}	Бошқа ё.к.	ω-6 : ω-3
Кунгабоқар мойи	6,65	4,05	20,74	67,85	0,1	0,61	678,5:1
Маккажўхори мойи	9,42	3,07	25,71	61,4	0,2	0,2	307:1
Соя мойи	9,80	4,80	22,66	54,7	7,94	0,1	6,88:1
Ўрик мойи	5,62	1,94	63,76	26,15	1,01	1,52	25,89:1
Қовоқ мойи	11,26	8,55	38,42	39,84	0,68	1,25	58,59:1
Кунжут мойи	9,50	6,62	35,29	47,84	0,1	0,65	478,4:1

Майонезни функционал мойлар билан бойитиш мақсадида "Провансаль" майонез рецептидаги кунгабоқар мойининг бир қисмини ўрик, соя ва қовоқ мойлари билан алмаштирилди. Эмульгатор сифатида тухум кукунининг бир қисми ўрнига фосфолипид, оксидланишга барқарорликни ошириш учун лимон кислотаси ва мой-сув эмульсиясининг турғунлигини ошириш учун натрий алгинат қўшилган (2-жадвал).

2-жадвал

Функционал мойлар билан бойитилган майонезларнинг рецептлари

Компонентлар номи	Компонент миқдори, %			
	Анаъанавий «Провансаль»		Майонез-1	Майонез-2
	Юқори калорияли	Ўрта калорияли		
Ўсимлик мойи жумладан:	65,4	50,4	50,4	40,4
- кунгабоқар	65,4	50,4	10,4	10,4
- ўрик	-	-	10	10
- соя	-	-	20	10
- қовоқ	-	-	10	10
Тухум кукуни	5	5	2	2
Фосфолипидлар	-	-	0,4	0,4
Қуруқ сут	1,6	2,1	2,1	4
Натрий алгинат		0,15	0,5	0,6
Хантал кукуни	1,05	1,05	1,05	1,05
Натрий карбонат	0,05	0,05	0,05	0,05
Шакар	1,05	1,05	1,05	1,05
Ош тузи	1,1	1,1	1,1	1,1
80%-ли сирка кислота	0,55	0,55	0,45	0,45
Лимон кислота	-	-	0,25	0,25
Сув	24,2	38,55	40,65	48,65

2-жадвалдан кўриниб турибдики, кунгабоқар мойининг 4/5 қисми функционал мойлар билан алмаштирилиши бу маҳсулотларда эссенциал ёғ кислоталарининг масса улушини оширади. Бундан ташқари фосфолипидлар ҳам майонезнинг биологик ва озучавий қийматини яхшилайдди.

Шундай қилиб, кунгабоқар мойини соя, ошқовоқ ва ўрик мойлари билан алмаштириш натижасида олинган майонезнинг озучавий ва биологик қиймати

сезиларли даражада ошади, фосфолипид ва натрий алгинати кўшилиши эмульсиянинг барқарорлигини оширади. Бироқ майонезнинг мойдорлиги 40% бўлганда эмульсиянинг барқарорлиги пасайиб кетиши ва ω -6: ω -3 нисбатининг ортиши кузатилди(3-жадвал).

3-жадвал

Функционал мойлар билан бойитилган майонезларнинг физик-кимёвий ва иқтисодий кўрсаткичлари


Кўрсаткичлар номи	Майонез намуналари			
	Анаъанавий «Провансаль»		Майонез-1	Майонез-2
	Юқори калорияли	Ўрта калорияли		
Мойнинг масса улуши, %	65,4	50,5	50,5	40,6
Намлик ва учувчан моддалар масса улуши, %	25,3	39,3	41,2	49,6
Кислоталилиги, сирка ёки лимон кислота ҳисобида, %	0,31	0,35	0,37	0,39
Эмульсия барқарорлиги, бузилмаган эмульсия фоизи, %	98	97	98	92
ω -6 : ω -3	678,5:1	678,5:1	13,8:1	19,4:1
1 кг маҳсулотнинг таннархи	14000	10400	72000	66000

Ўрик, соя ва қовоқ мойлари ўзига хос функционал хусусиятлари ва шифобахшлиги сабабли майонезнинг профилактик хусусиятини ошириши мумкин. Бироқ бу мойларнинг камёблиги ва қимматбаҳолиги сабабли улар асосида олинган майонезнинг таннархи ҳам юқори бўлди. Мойдорлиги 50% бўлган майонезни кунгабоқар мойи асосида тайёрланганда 1кг маҳсулотнинг таннархи 10400 сўмга тенг бўлса, функционал мойлар қўшиб тайёрланганда таннарх 72000 сўмни ташкил этди. Бу эса майонез маҳсулотининг харидорлилигига салбий таъсир этади. Шунини инобатга олиб мазкур мойлар ўрнига таннархи нисбатан арзон бўлган шифобахшлик хусусиятига эга мойларни топиш бўйича изланишлар олиб борилди.

Тадқиқотларда линол ва линолен кислоталарининг ўзаро нисбатлари (ω -6 : ω -3) 5-10:1 бўлиши лозимлиги аниқланган. Организмга зарур бўладиган эссенциал ёғ кислоталарнинг ўзаро нисбатларини таъминлаш учун турли хил мойларни аралашма ҳолида истеъмол қилиш йўллари тавсия этилган. Жумладан, рецептига турли хил эссенциал ёғ кислоталарига бой бўлган мойлар киритилган майонез шаклида амалга ошириш мумкин. Бундай мойлар аралашмасини, таннархи нисбатан арзон бўлган ўсимлик мойлари асосида шакллантирилган. 1-жадвалдан кўринадики, ω -6: ω -3 нисбатларининг 5-10:1 бўлишини таъминлаш учун мойлар аралашмасида соя мойининг массавий улушини ошириш лозим бўлади. Шу сабабли кунгабоқар ва маккажўхори мойларининг масса улушларини бир хил ва соя мойининг масса улуши 10-70% гача ораликда олинди(1-расм).


1-расмдан кўринадики, мойлар аралашмасидаги соя мойининг масса улуши ортиб бориши билан аралашмадаги линол кислотасининг миқдори камайиб, линолен кислотасининг миқдори ортиб боради. Бироқ шу билан бир қаторда ω -6: ω -3 нисбатлари ҳам камайиб борган. Аралашмадаги соя мойининг масса

улуши 60% дан ошганда ω -6: ω -3 нисбатининг қиймати 10 дан паст бўлиши кузатилди. Айниқса соя мойининг масса улуши 90% га етганда ω -6: ω -3 нисбати 7,7:1 қийматга тенг бўлди. Бу эса эссециал ёғ кислоталари меъёрлаштирилган



1-расм. Кунгабоқар, маккажўхори ва соя мойлари аралашмасида соя мойининг масса улушини линол ва линолен кислоталарининг миқдорига ҳамда уларнинг ўзаро нисбатларига таъсири

(ω -6: ω -3 нисбати 10:1 дан кичик) майонезнинг ёғли асоси учун мойлар аралашмасида соя мойининг масса улуши 60% дан ортиқ бўлиши лозимлигини кўрсатади. Кунгабоқар, маккажўхори ва соя мойларининг 20:20:60 нисбатдаги аралашмаларининг ёғ кислота таркиби 2-расм ва 4-жадвалда келтирилган. 2-расмдаги хроматограммадан кўринадики, кунгабоқар, маккажўхори ва соя мойлари аралашмасида 5 та ёғ кислоталари: палмитин, стеарин, олеин, линол ва линоленларнинг миқдори кўп (4-жадвал).



2-расм. Кунгабоқар, маккажўхори ва соя мойлари аралашмасининг ёғ кислота таркибининг газ хроматография усулида олинган хроматограммаси

4-жадвал

Кунгабоқар, маккажўхори ва соя мойлари аралашмасининг ёғ кислота таркиби

№	Мойлар аралашмасининг таркиби ва нисбати			Ёғ кислоталари %						ω -6 : ω -3
	Кунга-боқар	Макка-жўхори	Соя	C _{16:0} + C _{16:1}	C _{18:0}	C _{18:1}	C _{18:2}	C _{18:3}	бошқа ё.к.	
1	20	20	60	9,3	4,2	22,7	58,4	4,7	0,7	12,4:1
2	10	30	60	9,5	4,1	23,3	57,8	4,7	0,6	12,3:1
3	0	40	60	9,8	4	23,7	57,1	4,7	0,7	12,1:1
4	10	20	70	9,6	4,3	22,9	57	5,6	0,6	10:1
5	0	30	70	9,8	4,2	23,4	56,4	5,6	0,6	9,5:1
6	0	20	80	9,9	4,3	23,2	55,8	6,2	0,6	9:1
7	0	10	90	9,9	4,5	22,8	55,1	7	0,7	7,8:1

Майонезнинг ёғли асоси учун кунгабоқар, маккажўхори ва соя мойларидан иборат 7 та мойлар аралашмаси тайёрланди(4-жадвал). Барча аралашмаларда соя ва маккажўхори мойлари мавжуд бўлса 4 та аралашмада (3,5,6,7-намуналар) кунгабоқар мойи мавжуд эмас.


Таркибида линолен кислотасининг мавжудлиги соя мойининг оксидланишга барқарорлигини пасайтиради. Шу сабабли мойлар аралашмасининг оптимал нисбатларини ва майонезнинг оксидланишга барқарорлигини аниқлаш мақсадида унинг перекис ва анизидин сонлари таҳлил қилинди. Бунинг учун 5-жадвалда келтирилган рецепт бўйича майонез тайёрланди. Жами 8 та майонез рецептуралари шакллантирилган бўлиб, уларнинг ёғли фаза таркиби бир-биридан фарқ қилади.

5-жадвал


Кунгабоқар ва маккажўхори мойлари қўшилган майонезлар рецепти

№	Компонентлар, %	Майонез намуналари	
		Назорат	1-7
1	Кунгабоқар мойи	50	-
2	Мойлар аралашмаси	-	50
3	Тухум кукуни	5	5
4	Шакар	1,1	1,1
5	Туз	1,1	1,1
6	Хантал кукуни	1,3	1,3
7	Сирка кислота	0,4	0,4
8	EDTA	0,15	0,15
9	Натрий бензоат	0,03	0,03
10	Лимон кислота	0,2	0,2
12	Маккажўхори крахмали	5	5
13	Сув	35,72	35,72

Назорат намунасидаги майонез рецептида ёғли асос сифатида кунгабоқар мойи ва бошқа рецептларда ёғли асос 4-жадвалга мувофиқ олинди. Рецептлардаги бошқа компонентлар ишлаб чиқаришда кенг қўлланилаётган хом ашёлар асосида танлаб олинди. Рецептлар бўйича лаборатория шароитида майонезлар тайёрланди ва улар 180 сутка давомида сақланди ҳамда уларнинг перекис ва анизидин сонлари таҳлил қилинди (3- ва 4- расмлар).



3-расм. Эссенциал ёғ кислоталари меъёрлаштирилган мой қўшилган майонезларнинг 180 кунлик сақлаш даврида перекис сонининг ўзгариши



4-расм. Эссенциал ёғ кислоталари меъёрлаштирилган мой қўшилган майонезларнинг 180 кунлик сақлаш даврида анизидин сонининг ўзгариши

3-расмдан кўринадики, сақлаш даврида барча майонезларнинг перекис сони ошиб боради. Назорат майонезнинг перекис сони 180 суткалик сақлаш даврида 6,2 10 ммол О/кг гача ошиб борган бўлса, 1-, 2- ва 3-намуналарда бу қиймат 10 дан паст бўлган, яъни уларнинг перекис сонлари стандарт талабига (10 ммол

О/кг) мос келади. Бошқа барча намуналарда перекис сонининг қиймати 10 ммол О/кг дан юқори бўлган. Майонезларнинг сақлаш даврида анизидин сонларини ўзгаришида назорат намунасининг қийматлари бошқа намуналарникидан камлиги кузатилди (4-расм). Бу бошқа намуналарда соя мойининг мавжудлиги ва унинг оксидланишга мойиллигининг юқорилиги билан изоҳланади.

Мойлар аралашмасининг 20:20:60 нисбатида ω -6: ω -3 нисбати 12,4:1 ни ташкил этади (4-жадвал). Бунда олинган майонез оксидланишга барқарорлиги бўйича белгиланган талабларга мос келади (3- ва 4-расмлар). Бироқ бу қўйилган мақсадга мос келмайди. Яъни майонезнинг ёғли фазасидаги ω -6: ω -3 нисбати 10:1 дан юқори бўлмаслиги лозим эди. Шу сабабли 3- ва 4- расмлардаги маълумотларга асосланиб кунгабоқар, маккажўхори ва соя мойларининг аралашмасини мос равишда 10:20:70 нисбатларда олдик. Бу аралашмада ω -6: ω -3 нисбати 10:1 бўлиши таъминланади, лекин тайёрланган майонезнинг оксидланишга барқарорлиги пасаяди. Ушбу камчиликни бартараф этиш учун майонез рецептига қўшимча антиоксидантлар киритиш лозим бўлади.

Кўпгина тадқиқотчилар озиқ-овқат таркибидаги синтетик антиоксидантлар зарарли эканлигини таъкидлашгани учун табиий антиоксидантлардан фойдаланиш бўйича тадқиқотлар доимо долзарбдир. Биз томонимиздан майонез таркибидаги синтетик антиоксидант ўрнига кунжутнинг табиий антиоксиданти таклиф қилинган. Бунинг учун лигнинни кунжут уруғи ёки кунжут кунжарасидан ажратиб олиб, уни майонезга қўшиш мумкин. Бу қўшимча жараёнлар ва харажатларни талаб қилади. Тадқиқот ишида майонезни табиий антиоксидант ва стабилизаторлар билан бойитиш учун синтетик антиоксидант ва крахмал ўрнига кунжут кунжараси кукуни (ККК)ни қўшиш таклиф қилинди.

Дастлаб кунжут уруғи ва ундан олинадиган маҳсулотларнинг таркиби ўрганилди. Олинган натижалар 6 ва 7-жадвалларда келтирилган.

6-жадвал

Кунжут уруғи, кунжараси ва мойининг кимёвий таркиблари

Таркибий қисм (%)	Кунжут уруғи	Кунжут кунжараси	Кунжут мойи
Намлик	6,1	7,2	0,02
Ёғ	48,53	18,64	99,93
Минераллар	9,11	13,06	0,05
Оқсил	20,36	31,68	-
Озиқа толаси	5,61	10,35	-
Углеводлар	10,29	19,07	-

6-жадвалдаги маълумотлардан кўринадикки, кунжут уруғи таркибидаги минераллар, оқсиллар, озиқа толаси ва углеводлар кунжут кунжарасида қолади. Бу кунжаранинг озуқавий қиймати уруғ билан деярли бир хил бўлишини таъминлайди.

7-жадвал

Кунжут уруғи, кунжараси ва мойи таркибидаги биологик фаол (функционал) моддаларнинг миқдори

Биологик фаол модда	кунжут уруғи	кунжут кунжараси	кунжут мойи
Лигнанлар, мг/г	15,9	10,22	5,68
Токофероллар, мг/г	800	230	570
Минераллар, мг/г	15,32	15,27	0,05

7-жадвалда кунжут уруғи ва унинг маҳсулотларида аниқланган лигнанлар (сезамин, сезамол, сезамоллин ва бошқалар), токоферол ва минераллар каби биологик фаол моддаларнинг миқдори кўрсатилган.

Кунжут уруғидаги лигнанлар ва минералларнинг кўп қисми ҳамда токоферолларнинг бир қисми кунжарада қолади. Бу кунжут кунжараси таркибида антиоксидантлар (лигнанлар ва токофероллар) нисбатан кўп бўлишини ва унинг антиоксидант хусусиятларга эга эканлигини англатади. Шунини инобатга олиб, майонез таннарҳининг ошиб кетишини олдини олиш масқсадида майонез рецептига кунжут кунжарасини киритишга қарор қилинди. Бунда кунжара зарралари ўлчамларининг йириклиги ва уларни бошқа компонентлар билан аралашмаслиги сабабли кунжара кукун ҳолида қўшилди. Шунинг учун дастлаб кунжут кунжараси майдаланди. Олинган КККнинг заррача ўлчамлари ва физик-кимёвий кўрсаткичлари 8-жадвалда келтирилган.

8-жадвал

КККнинг кимёвий такрибни унинг заррачалари ўлчамига боғлиқлиги

Фракция рақами	Заррача ўлчамлари мкм	Намлик ва учув. моддалар миқдори, %	Кул миқдори %	Оқсил, %	Ёғ, %	Озика толаси, %	Углеводлар, %
1	240-280	7,25	13,12	31,66	18,59	10,35	19,03
2	160-240	6,97	13,08	31,07	18,23	11,66	18,99
3	130-160	7,08	12,98	30,95	18,26	11,86	18,87
4	< 130	6,93	12,84	29,65	18,76	12,1	19,72

Кунжут кунжарасини майдалаб, 4 хил фракция олинди (8-жадвал). Заррачаларнинг энг катта ўлчами 280 мкм га тенг бўлиб, энг кичиги 130 мкмдан кичикдир. Заррачалар ўлчамлари бевосита уларнинг таркибий қисмларига таъсир этади. Жумладан, кул миқдори (12,84 дан 13,12% гача) ва оқсил миқдори (29,65 дан 31,66% гача) заррачалар ўлчамининг пасайиши билан камайган.

ККК фракцияларининг ёғ ютиш қобилияти олинадиган майонезнинг хуш таъмлилигини белгилаб беради. Ёғ ютиш қобилиятининг қиймати заррачалар ўлчамининг 280 дан 130 мм гача камайиши билан ортади ва ундан кейин энг майда зарралар учун қиймат пасаяди (9-жадвал). Бу майда фракцияларда оқсил миқдорининг камлиги билан изоҳланади.

9-жадвал

ККК фракцияларининг сув ва ёғ ютиш сиғимлари

Фракция рақами	Заррача ўлчамлари, мкм	Сув ютиш сиғими, г/г		Ёғ ютиш сиғими, г/г
		30 °С	70 °С	
1	240-280	1.4	3.77	0.72
2	160-240	1.42	4.19	0.79
3	130-160	1.51	3.61	0.86
4	< 130	1.53	3.84	0.71


Олинган ККК лардан қўшиб майонезлар тайёрланди. Бунда КККнинг миқдорлари 5%, 5,15%, 6%, 8% ва 10% олинди ва таққослаш учун назорат намунасида сунъий антиоксидант ишлатилди. Назорат майонезида стабилизатор сифатида маккажўхори крахмали ва таклиф қилинган майонез рецептида крахмал ўрнига ККК ишлатилди. Тайёрланган майонез намуналарининг органолептик кўрсаткичлари таҳлил қилинди (10 -жадвал).

Майонез намуналарининг рецепти ва органолептик кўрсаткичлари


Таркиби						
Компонентлар миқдори, %	Назора т	ККМ1	ККМ2	ККМ3	ККМ4	ККМ5
Кунжут кунжараси(ККК)	0	5	5,15	6	8	10
Мойлар аралашмаси №4	50	50	50	49,15	47,15	45,15
EDTA	0,15	0,15	-	-	-	-
Маккажўхори крахмали	5	-	-	-	-	-
Сув ва бошқа компонентлар	44,85	44,85	44,85	44,85	44,85	44,85
Органолептик кўрсаткичлари, балл						
ранги,	9,0	8,8	8,8	8,7	8,6	8,6
таъми,	8,8	8,2	9,1	9,1	9,2	9,4
оғизга сезилиши	8,8	8,6	8,9	9,1	9,1	9,2
умумий мақбуллиги	8,5	8,1	8,4	8,5	8,4	8,3
тузилиши	8,6	8,0	8,2	8,3	8,6	8,7

10-жадвалдан кўринадики, ККК миқдори ошгани сари, майонезнинг таъм ва оғизга сезилиш баллари ҳам ортиб боради, мойдорлиги (50% дан 45,15% гача) ва ранг кўрсаткичлари эса пасаяди. ККМ5 майонезининг таъм ва оғизда сезилиши бўйича баллари энг юқори ҳамда ранг ва умумий мақбуллик бўйича энг паст бўлди. ККМ1 намунаси структураси бўйича энг паст баллга эга бўлди.

Кейинги тажрибаларда, сақлаш вақтида майонезни оксидланишдан ҳимоя қилишда КККнинг антиоксидантлик самарадорлиги ўрганилди. Олти ой давомида сақлаш жараёнида ККК билан бойитилган майонез намуналарини перекис сонининг ўзгариши 5-расмда ва анизидин сонининг ўзгариши 6-расмда кўрсатилган. Назорат тажрибасида антиоксидант EDTA қўлланилди.




5-расм. Майонезларнинг перекис сони (ммол. О₂/кг), 30 °С да сақланганда



6-расм. Майонезларнинг анизидин сони, 30°С да сақланганда

Назорат майонезнинг перекис сони (ПС) 180 сутка сақлашдан кейин максимал ПС=11,4 ммол О₂/кг га етди. Назорат ва ККК қўшилган майонезларнинг ПС ўртасида сезиларли фарқ кузатилди. Анизидин сони (АС) ҳам сақлаш вақтида ошиб, назорат майонезнинг АС 180 сутка сақлашдан кейин бошланғич 2,7 дан максимал 22,6 гача етди. Таркибида 5; 5,15; 6; 8 ва 10 % ККК бўлган майонезларнинг ПС мос равишда 10,3; 12,5; 9,3; 8,1; 7,5 ни ва АС 20,6; 24,8; 18,9; 17,3; 16,4 ни ташкил этди. Шундай қилиб, ККК қўшилган майонезда ПС ва АС паст бўлди. Бу сақлашда КККнинг антиоксидант таъсирини аниқ кўрсатди.




7-расм. ККК ўлчамларининг майонез эмульсиясининг барқарорлигига таъсири.

Кейинги тажрибаларда ККК заррачалари ўлчамларининг майонез эмульсиясининг барқарорлигига таъсири ўрганилди. 4 хил фракциядаги КККлардан фойдаланиб майонезлар тайёрланди ва уларнинг барқарорлиги таҳлил қилинди (7-расм). 7-расмдан кўринадикки, майонез рецептига ККК киритилганда унинг турғунлиги сезиларли даражада ортади. Бу кукун таркибидаги пектин, оксил ва бошқа моддаларнинг стабилизаторлик хусусиятлари билан тушунтирилади.


ККК заррачаларининг ўлчамлари камайган сари эмульсия турғунлиги ортиб боради.

Олинган натижалардан шуни хулоса қилиш мумкинки, ККК сув-ёғли майонез эмульсияларининг турғунлиги ва физик-кимёвий хусусиятларига ижобий таъсир этади. Майонезга 8-10% ККК қўшилганда, унинг перекис ва анизидин сонлари сақлаш даврида назорат майонезидан камроқ ўзгарган. Майонезнинг органолептик кўрсаткичлари ҳам яхшиланган.

Майонезнинг органолептик хусусиятларини яхшилаш, уни табиий ароматизаторлар билан бойитиш мақсадида рецептурага лимондан олинадиган маҳсулотларни киритиш бўйича тажрибалар олиб борилди. Бунинг учун лимон шарбати ва лимон цедрасининг хусусиятлари ўрганилди. Лимоннинг таркиби таҳлил қилинганда, унда 28,2% пўстлоқ, 18,15% эт, 41,9% шарбат, 9,1% цедра, 2,7% уруғ мавжуд эканлиги аниқланди. Лимондан ажратиб олинадиган шарбат кенг қўлланилади. Саноатда ҳам асосан лимон шарбати олиш мақсадида қайта ишланади. Пресслаш ва экстракциялаш усуллари билан лаборатория шароитида лимон шарбати олиб, таҳлил қилинганда унинг зичлиги 1,06 г/см³, қуруқ модда миқдори 9,65% ва кислоталилиги (лимон кислота асосида) 4,12% ни ташкил этди.



8-расм. Лимон цедрасининг витаминлар таркиби



9-расм. Лимон цедрасининг минерал моддалар таркиби

Лимон пўстлоғи таркиби таҳлил қилинганда, унда кўплаб микро ва макро элементлар ва витаминлар мавжуд эканлиги аниқланди. Буни 11-жадвал, 8 ва 9-расмларда келтирилган маълумотлардан кўриш мумкин.

Лимон пўстлоғининг таркибий қисмларига эътибор берилса (11-жадвал, 8 ва 9-расмлар) унинг фойдали ашё эканлигини ва ундан лимонли ароматизатор ёки лимон шарбати ўрнига фойдаланиш мумкин эканлигини кўринади.

11-жадвал

Лимон цедрасининг таркиби

№	Лимон цедрасининг таркибий қисмлари	%
1	Оқсил	1,5
2	Углеводлар, жумладан	16,0
	озика толаси	11,0
	қанд	4,2
3	Ёғ	0,3
4	Макро ва микро элементлар	0,6
5	Сув	81,6

Биз тадқиқот ишимизда лимонли майонез олишда лимон шарбати ўрнига лимон цедрасини қўллаш бўйича тажрибалар олиб бордик. Бунинг учун дастлаб, лимон доналарининг цедраси ажратиб олинди, сўнг лимон шарбати сиқиб олинди. Лимон цедраси эса қуритилиб, 1 мм тешикли элақдан ўтадиган кукун ҳолига келтирилди.


Олинган лимон шарбати ва лимон цедрасининг кукунидан фойдаланиб майонезлар тайёрланди. Бунда “Провансаль” майонезининг рецепти асос қилиб олинди ва унга 0,5-3,0% миқдорида лимон цедраси кукунни қўшилди. 12-жадвалда майонез рецептлари келтирилган.

12-жадвал

Лимон таъмли майонез рецептлари

Компонентлар номи	Компонентлар миқдори, %		
	«Провансаль»	«Лимонли-1»	«Лимонли-2»
Ўсимлик мойлари	60,4	50,4	50,4
Тухум кукунни	5,0	5,0	5,0
Қурук сўт	2,1	2,1	2,1
Хантал кукунни	0,5	0,5	0,5
Ичимлик содаси	0,05	0,05	0,05
Шакар	1,1	1,1	1,1
Ош тузи	1,3	1,3	1,3
Маккажўхори крахмали	5,0	-	-
Кунжут кунжараси кукунни	-	10,0	10,0
Сирка кислота (80% ли)	0,3	0,3	0,3
Сув	24,0	28,75	26,25-29,25
Лимонли ароматизатор	0,25	-	-
Лимон шарбати	-	0,5	-
Лимон цедраси	-	-	0-3,0
Жами	100	100	100

12-жадвалда келтирилган рецептлар асосида тайёрланган майонезларнинг органолептик ва физик-кимёвий кўрсаткичлари таҳлил қилинди. Барча майонезлар стандарт талабларга мос келиши аниқланди. Таклиф этилаётган «Лимонли-1» ва «Лимонли-2» майонезлари ўзининг ёқимли лимон ҳиди ва таъми билан ажралиб турди.



10-расм. Лимон цедраси кукунини майонезнинг органолептик кўрсаткичларига таъсири


Лимон цедрасининг оптимал қийматини аниқлаш мақсадида майонезларнинг органолептик кўрсаткичлари 10 балли шкалада баҳоланди (10-расм). 10-расмдан кўринадики, майонез таркибига қўшиладиган лимон цедрасининг миқдори 2% бўлганда энг яхши органолептик кўрсаткичларга эга майонез олинган. Цедра миқдорининг 2,0% дан ортиши сезиларли таъсир этмаган.

Таклиф этилаётган «Лимонли» майонезлар ўзининг ёқимли лимон ҳиди ва таъмига эгаллиги билан ажралиб турди.

«Тадқиқот натижаларини саноатга жорий этилганлик даражаси ва иқтисодий самарадорлиги» деб номланган тўртинчи бобида кунжут кунжараси ва лимон цедраси кукунлари билан бойитилган пархезли майонезни ишлаб чиқариш технологик схемаси ва шарт-шароитлари, ишлаб чиқилган майонез рецептураларининг саноат-синов натижалари ва эришиладиган иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш ҳақида маълумотлар келтирилган.

Танланган ёғли хом ашёлар асосида кунжут кунжараси ва лимон цедраси кукунларини қўлланган рецептлар асосида майонез тайёрлаш учун ишлаб чиқаришда 11-расмда келтирилган технологик схемадан фойдаланилди.

Мазкур технологик тизим асосида ККК қўшилган майонезлар тайёрланди, физик-кимёвий ва органолептик кўрсаткичлари таҳлил қилинди, ҳамда анъанавий майонез кўрсаткичлари билан таққосланди (13-жадвал).



11-расм. Майонез пастасини тайёрлаш тизимининг технологик схемаси.
 1-кунгабоқар мойи учун сиғим, 2-соя мойи учун сиғим, 3-маккажўхори мойи учун сиғим, 4- сув ва сувли эритмалар учун сиғим, 5- аралаштиргич, 6-майонез пастасини олиш учун курилма, 7-бошқариш панели, 8-диспергатор, 9-тайёр маҳсулот учун сиғим, 10-гомогенизатор, 11-насослар.

11-расм. Майонез пастасини тайёрлаш тизимининг технологик схемаси.

Саноат тажрибаларида ишлаб чиқарилган майонезларнинг кўрсаткичлари

Кўрсаткич	Майонезлар		
	67% ли майонез (назорат)	50% ли майонез (назорат)	Таклиф этилаётган 50% ли майонез
Мой миқдори, %	67,1	50,2	52,9
Намлик ва учувчан моддаларнинг масса улуши, %	16,5	35,7	35,3
Кислоталилиги сирка кислотага нисбатан	0,8	0,6	0,6
Эмульсия чидамлилиги, парчалан- маган эмульсия, % кам эмас	98	95	97

13-жадвалдаги маълумотлардан кўринадикки, таҳлил қилинган барча майонезлар сифат кўрсаткичлари бўйича O'zDSt 2901-2014 талабларига мос келади. Фақат таклиф этилаётган майонезнинг органолептик кўрсаткичлари юқорилиги кузатилди.

Озиқ овқат саноатининг иккиламчи маҳсулотлари асосида олинган функционал қошимчалар билан бойитилган майонез рецептини ишлаб чиқаришга жорий этишдан кутилаётган иқтисодий самарадорлик 508 минг сўм/т ни ташкил этди.

ХУЛОСАЛАР

1. Соя, кунгабоқар, маккажўхори, ўрик ва қовоқ мойлари асосида эссенциал ёғ кислоталари билан бойитилган майонезларнинг ёғли фазалари тайёрлаш қонуниятлари ўрганилган;

2. Соя, маккажўхори ва кунгабоқар мойлари асосида ω -6 : ω -3 нинг оптимал нисбати 10 : 1 бўлган мойли аралашма олиш мумкинлиги ва бунда мойлар аралашмасининг ўзаро нисбатлари мос равишда 70:20:10 бўлиши аниқланган;

3. Кунжут кунжарасидан фойдаланиб, парҳезбop майонез рецепти ишлаб чиқилган ва бунда майонез рецептига 10% гача кунжут кунжараси кукунини киритиш маҳсулотнинг органолептик ва физик-кимёвий кўрсаткичларини яхшиланиши ҳамда сақлаш муддатининг ошишига олиб келиши аниқланган;

4. Лимон цедрасидан фойдаланиб лимонли майонез рецептини ишлаб чиқилган ва бунда майонез рецептига 2% гача лимон цедраси кукунини киритиш маҳсулотнинг органолептик ва физик-кимёвий кўрсаткичларини яхшиланиши ҳамда профилактик хусусиятларининг ошишига олиб келиши аниқланган;

5. Кунжут кунжараси ва лимон цедраси кукунлари қўшиб майонез тайёрлаш жараёнининг оптимал шароитлари аниқланган;

6. Кунжут кунжараси ва лимон цедраси кукунлари қўшиб тайёрланган майонезнинг микробиологик ва токсикологик кўрсаткичлари таҳлил қилинган ва уларнинг инсон саломатлигига салбий таъсир этмаслиги исботланган;

7. Функционал мойлар, кунжут кунжараси ва лимон цедраси кукунлари асосида функционал қўшимчалар билан бойитилган парҳезбop майонез рецептлари саноат синовларидан ўтказилган ва уни ишлаб чиқаришга жорий этишдан олинандиган иқтисодий самара 508 минг сўм/т эканлиги ҳисобланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО -
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ГАИПОВА ШАХНОЗАХОН САИДАЗИМ КИЗИ

**РАЗРАБОТКА РЕЦЕПТУРЫ ДИЕТИЧЕСКОГО МАЙОНЕЗА,
ОБОГАЩЕННОГО ФУНКЦИОНАЛЬНЫМИ ДОБАВКАМИ**

**02.00.17 – Технология и биотехнологии обработки, хранения и переработки
сельскохозяйственных и пищевых продуктов**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2020.2.PhD/T1731.

Диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного Совета (ik-kimyo.nuu.uz) и информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Абдурахимов Ахрор Анварович**
доктор технических наук (DSc), доцент

Официальные оппоненты: **Исабаев Исмоилжон Бабаджанович**
доктор технических наук, профессор

Юнусов Обиджон Қодирович
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация: “Тошкент ёғ-мой комбинати” АЖ

Защита диссертации состоится «23» 12 2022 г. в «11⁰⁰» часов на заседании Научного Совета DSc.03/30.12.2019.T.04.01 при Ташкентском химико-технологическом институте. (Адрес: 100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А.Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-21, факс: (99871) 244-79-17, e-mail: tkti_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института (зарегистрирована за № 134). (Адрес: 100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А.Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-21).

Автореферат диссертации разослан «25» 11 2022 г.
(Протокол рассылки № 298 от «25» 11 2022 г.).



С.М.Туробжонов

Председатель Научного Совета по присуждению
учёной степени доктора наук, д.т.н., профессор

Х.И.Кадиров

Учёный секретарь Научного Совета по
присуждению учёной степени доктора наук,
д.т.н., профессор

К.П.Серкаев

Председатель Научного семинара при Научном
Совете по присуждению учёной степени доктора
наук, д.т.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Проведение научных исследований по производству низкокалорийного майонеза, который добавляют в фаст-фуд и салаты с целью придания аппетитности и вкуса, профилактики атеросклероза, сахарного диабета и сердечно-сосудистых заболеваний, и программы «здорового питания», которая широко пропагандируется среди населения является актуальной. При этом актуальное значение имеют проводимые реформы по обеспечению в короткие сроки населения качественными, высокой пищевой ценностью, готовыми продуктами и полуфабрикатами, не содержащими различных химических добавок.

Во всем мире проводятся масштабные исследования по снижению жирности майонеза, улучшению его качества, обогащению биологически активными веществами, расширению ассортимента. В связи с этим особое внимание уделяется созданию и апробации технологий ускорения производства диетических майонезов, в которых растительные масла заменены заменителями жиров, обогащены натуральными стабилизаторами, биологически активными загустителями и пластификаторами, повышающими устойчивость и стабильность.

В республике достигаются определенные научные и практические результаты по созданию новых рецептур майонезов на основе нетрадиционных растительных масел и совершенствованию технологий производства. В стратегии развития Нового Узбекистана поставлены важные задачи «углубления структурных преобразований и последовательного развития навыков переработки сельхозпродукции, дальнейшего укрепления продовольственной безопасности страны, расширения производства экологически чистой, качественной продукции, значительного увеличения экспортного потенциала аграрного сектора»¹. В связи с этим актуальна разработка рецептур жировых эмульсионных продуктов, обогащенных функциональными добавками, отличающихся составом незаменимых жирных кислот, а также большое значение имеет оптимизация технологий производства низкокалорийных майонезов с улучшенными органолептическими показателями.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, поставленных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан УП 60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана», ПП-4887 от 10 ноября 2020 года «О дополнительных мерах по обеспечению здорового питания населения», ПП-4821 от 9 сентября 2020 года, «О мерах по ускоренному развитию пищевой промышленности республики и полноценному обеспечению населения качественной продовольственной продукцией», УП-5853 от 23 октября 2019 года, «Об утверждении стратегии развития сельского хозяйства республики Узбекистан на 2020-2030 годы», ПП-4118 от 16 января 2019 г. «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию масложировой отрасли и внедрению рыночных механизмов

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022 — 2026 годы»

управления отраслью».

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики. Данные исследования проводились в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. По разработке рецептур маслоэмульсионных продуктов, улучшению их качества, расширению ассортимента, техническому и технологическому совершенствованию научно-практическую деятельность осуществляли А. Kamal-Eldin, R. Pazhvand, A.M. Khavarpour, M. Namiki, N.M. Nayar, K.L. Mehra, N. Martínez-Aranda, S. Losada, C.V. Díaz, L.Romsted, Б.Н.Тютюнников, А.Л.Маркман, А.Г.Сергеев, А.И.Глушенкова, А.П.Нечаев, Н.С.Арутюнян, Ю.К.Кадыров, С.А.Абдурахимов, И.Б.Исабаев, А.Т.Рузибаев и другие.

